

# Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA  
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,  
3-mart,  
seshanba  
**№28**  
(5248)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь ойида Ўзбекистонда жами

**13 трлн.**

сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,2 фоизга ошган.

Қурилиш ишлари ҳажми йиллар кесимида қуйидагича:

2022 йил —	6,9 трлн. сўм;
2023 йил —	5 трлн. сўм;
2024 йил —	6,7 трлн. сўм;
2025 йил —	11,3 трлн. сўм;
2026 йил —	13 трлн. сўм.

Ўзбекистон касаб  
ушмалари Федерациясида  
қону тун фаолият  
кўрсатадиган

**1211**

рақамли  
«Ишонч телефони»,  
яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли  
ҳудудларида, олис ва  
чекка қишлоқларида  
яшаётган хотин-қизлар  
ўз муаммолари бўйича  
исталган вақтда мурожаат  
қилишлари мумкин.



**БАҲОР,  
КЕТМА  
БИЗНИНГ  
БОҒЛАРДАН!**

Эъзаю УМУРЗОҚОВА олган сурат



Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси  
маркази Prix Versailles талқинига кўра  
2026 йилнинг дунёдаги энг гўзал  
музейлари рўйхатига киритилди

«Ishonch»нинг ижтимоий  
тармоқлардаги саҳифаларига  
ўтинг ва мамлакатимиздаги сўнгги  
янгилликлар билан танишиб боринг:



Ишлаб чиқариш жараёнидаги  
қайси бахтсиз ҳодисалар  
текширилмайди ва ҳисобга  
олинмайди?

«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги  
саҳифалари орқали меҳнат қонунчилигини  
янада яхшироқ ўрганинг:



«Ishonch»га жавоб берадилар...

«Ishonch» газетасининг 2026 йил 7 февралдаги 18-сонидан чоп этилган «Ислоҳотлар нуфузини пайсатирётганлар кимлар?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири қуйидаги мазмунда муносабат билдирди:

## ҲАР БИР ҲОЛАТ ИНДИВИДУАЛ ТАРТИБДА, АНИҚ ФАКТ ВА ДАЛИЛЛАР АСОСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилатган таркибий ислоҳотлар давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда, уларнинг асосий мақсади тиббиёт муассасалари фаолияти самардорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ҳамда ходимларнинг меҳнат шaroитларини такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизimini ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2025 йил 19 майдаги фармони ҳамда «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2025 йил 19 майдаги қарорига асосан,

2025 йил 1 июндан республиканинг 15 та туман (шаҳар)ларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида тажриба-синов тарикасида соғлиқни сақлаш тизimini ташкил этишнинг янги модели жорий қилиниши белгиланган.

Юқоридаги фармон ва қарор билан белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида туман (шаҳар) марказий шифоналари ҳамда оилавий поликлиникаларининг штат birlikлари ва меъёрларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Шунга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тажриба-синов ҳудудларидаги туман (шаҳар) марказий шифоналари ҳамда оилавий поликлиникалари тиббиёт, фармацевт ва бошқа ходимларнинг штат меъёрлари ишлаб чиқилди ҳамда 2025 йил июнь ойида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири томонидан кўриб чиқилди ҳамда келишилди.

Тажриба-синов ҳудудларида штат меъёрларининг ўзгарishi ходим-

ларни ноқонуний ишдан бўшатишга сабаб бўла олмайди. Ходимларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимларни ишдан бўшатиш билан боғлиқ ҳар қандай қарорлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ равишда, белгиланган тартиб ва қарорларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Шу билан бирга, мақолада келтирилган ҳолатлар бўйича аниқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганиш ва ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида тахририятдан қуйидаги маълумотларни тақдим этиш сўралади:

– меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш берилган ходимларнинг маълумотлари, шу жумладан, исм-шарифи, иш жойи ва лавозими;

– меҳнат шартномаси бекор қилинишига асос бўлган ҳужжатлар нусхаси (бўйруқ, огоҳлантириш хати ва бошқалар);

– ходимларнинг ариза ёзишга мажбурланганлиги ҳақидаги далиллар;

– аниқ қайси туман (шаҳар) тиббиёт муассасасида қонун талабларига зид ҳолат кузатилганлиги;

– жабрланган шахсларнинг ёзма мурожаатлари (агар мавжуд бўлса). Қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир ҳолат индивидуал тартибда, аниқ факт ва далиллар асосида кўриб чиқилади. Аниқ маълумотлар тақдим этилган тақдирда, вазирилик томонидан хизмат текшируви тайинланади ва натижалари бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилиши маълум қилинади.

Айрим ҳудудларда қонун талабларига зид ҳолатлар кузатилган тақдирда, бундай ҳолатларга мутасадди органлар томонидан ҳуқуқий баҳо берилади ҳамда қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши таъминланади.

Вазирлик оммавий ахборот воситалари билан очик ва конструктив мулоқот тарафдори эканини маълум қилган ҳолда жамоатчиликни қизиқтирган барча масалалар бўйича қонуний ва асосланган ахборот тақдим этиб боришга тайёр эканлигини маълум қиламиз.

**Р. ТУРДИБОВЕВА**

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари



## 99 ФОИЗЛИК НАТИЖА ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Айни пайтда касаб уюшмалари тизимида қизғин жараёнлар кечмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, йиғилишлар ва конференциялар ўтказилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК Марказий филиалида бўлиб ўтган конференция ҳам жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси муҳокамасига бағишланди. Унда филиал директори Даврон Жабборов ҳамда касаб уюшмаси қўмитаси раиси Нодир Исҳоқов йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.

Таъкидланишича, жамоа шартномаси орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари иш берувчи ҳамда касаб уюшмаси ҳамкорлигида мустаҳкам ҳимоя қилинмоқда. Буни ҳисобот даврида шартномадаги 246 та банддан 244 таси бажарилиб, ижро кўрсаткичи 99 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлаб турибди. Айнисига, меҳнат муҳофазатига алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқаришда жараёнларнинг шaroитлари яратиш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун 5 миллиард 627 миллион сўмдан ортик маблағ йўналтирилди.

Натижада 3 минг 194 нафар киши махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминланди, 3 минг 143 нафари даврий тиббий кўриқдан ўтказилди. Жамоа шартномаси доирасида юқори малакага эга 3 минг 941 нафар ходимга 208 миллиард сўм қўшимча ҳақ тўланди. Кўп йиллик меҳнат стажига эга 3 минг 838 нафар ходимга эса 24 миллиард сўм миқдорида қўшимча тўловлар қилинди.

Меҳнатқашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, меҳнат таътили арафасида 3 минг 540 нафар ходимга иш берувчи маблағи ҳисобидан 12 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Биринчи бор никоҳдан ўтган 57 нафар ходим моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Ҳаракатланиш тусига эга ишлар билан банд бўлган 3 минг 834 нафар хизматчи йўлқира ҳақи билан таъминланди. Шунингдек, 241 нафар аёлга 3 ёшгача бола пар-

вариши таътили даврида ёрдам пуллари тўланди, пенсия ёшига яқинлашган 37 нафар ходимга эса нафақага чиқишдан олдин моддий қўмак берилди.

Филиал ва унинг тасарруфидagi 35 та объектада жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ишчи-ходимлар учун янада қулай шaroитлар яратилди. Иқтидорли ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Энг фаол электромонтёр» танлови ўтказилди.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ходимлар ҳақида уларнинг оила аъзолари дам олишини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. 2025 йил ёз мавсумида филиал вилояти, Ўзбекистонлик туманидаги «Нилуфар» дам олиш мақсадида дам олиш учун йўлланишлар тақдим этилди. Йил давомида санаторий ва дам олиш масканларига 1 миллион 593 миллион сўм маблағ сўмланди. Шунингдек,

«Алоқачи» болалар оромгоҳида ишчи-ходимларнинг 991 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Меҳнатқашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавий дунёсини бойитиш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлди. Жумладан, 300 нафар ходим ва 50 нафар пенсионер учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Шахмат, шашка ва мини-футбол бўйича «Раҳбар кубоги» мусобақалари, ёшлар ўртасида эса «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Конференция якунида эътироф этилганидек, жамоа шартномаси доирасида яратилган имкониятлар ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, меҳнат шaroитларини такомиллаштириш ва ходимлар манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Меҳнат жамоаси вакиллари сўзга чиқиб, ижтимоий шериклик механизми самарали ишлаётганини алоҳида таъкидладилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

# МАҚСАД – ТИЗИМЛИ ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашида Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси тизимидаги бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда 80 нафарга яқин бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раиси иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари ҳақида сўз борди. «Янги Ўзбекистон – янги касба уюшмалари» тамойили асосида тизим фаолиятини янада кучайтириш, ишчи-ходимлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгилангани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни ҳамда Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш зарурлиги айтилди. Халқаро меҳнат стандартлари, жумладан, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини амалиётга татбиқ этиш, гендер тенгликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу аснода корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш меъёrlарига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда касба уюшмаларининг ўрни ва



масъулияти юзасидан амалий тавсиялар берилди. – Ташкилотимиздаги касба уюшмаси раислигига яқинда сайланган эдим, – дейди Шаҳзод Ғаниев. – Икки кунлик семинарда ўзим учун зарур маълумотларга эга бўлдим. Олган билим ва кўникмаларимни, албатта, фаолиятим мобайнида қўлайман.

Ўқув касба уюшмаси етакчиларининг ҳуқуқий

билим ва салоҳиятини оширишга, уларнинг фаолиятини тизимли ва самарали йўлга қўйишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Алишер АКРАМОВ,**  
Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси  
Республика кенгашининг Тошкент вилоятидаги  
масъул ташкилотчиси

## Ўнимиздаги одамлар

Ҳаётда учрайдиган синов ва қийинчиликлар ақл-фаросат, қиройли тадбирлар билан енгил ўтилади. Баркамол инсон эса бундай муаммоларга деярли дуч келмайди. Чунки ишни пухта қилади, чорани барвақт кўради. Эркин Бойниёзов ана шундай инсонлардан. У билан тўрт йил давомида елкадош бўлиб, фаолиятини кузатиб, шу хулосага келдим.

# УМР МАЗМУНИ

Эркин Бойниёзов хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Аёллар дафтари» бўйича Сирдарё вилоятига бириктирилган вакил, вилоят штаби раҳбари ҳисобланади. Унинг билими, ҳаётий тажрибаси ва одамлар билан ишлаш маҳорати ҳақиқатан ҳам, ҳавас қиларли даражада. Жойларга чиққанмизда, ҳар бир масалага масъулият билан ёндашиши, ечим топишга интилиши, одамлар билан мулоқотда юксак маданиятни сақлашига кўп бор гувоҳ бўлганман. Босиқ, майин ва тушунарли оҳангда сўзлаши, вақтни қадрлаши, имкони борича ҳар бир фуқарога амалий ёрдам кўрсатиши эътиборни тортди.



оширишда у кишининг хизматлари бекиёс. Вилоятдаги аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш борасида ҳам самарадорликка эришишда ҳамisha бош-қош бўлди.

Ҳамроҳининг кимлиги сафарда билинади, дейишади. Эркин Бозорович билан кўп манзилларда бирга бўлдим. Биринчи танишуви миздаёқ «олим одам экан», деб ўйлаганман ва бу таассуротим тўғри чиққан. Бора-бора унинг қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига эришгани ва улкан илмий салоҳиятга эга эканини билдим. Кейинчалик Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шўрчи ва Олтинсой туманларига ҳокимлик қилиб, одамлар хурматида сазовор бўлганини ва ўзидан яхши ном қолдирганини эшитдим.

– Вақт кутиб турмайди. Келажак авлодга гўзал ва бахтиёр ҳаётни мерос қолдиришимиз керак. Бунинг учун эса ўз вазифамизни соф виждан билан адо этиб, Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида астойдил хизмат қилишимиз зарур, – дейди Эркин ака.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт тажрибаси бор. Эркин ака ҳам машаққатли ва синовлардан иборат ҳаёт йўллари билан матонат ва жасорат билан босиб ўтолган ва бу борада муваффақиятларга эришган.

Одамгарчилиги баландлиги ва ажойиб фазилатлари билан элга манзур бўлган инсон ҳамisha хурмат-эътиборга лойиқ кўрилади. Эркин Бойниёзов мана шундай хислатлар соҳиби бўлиши билан бир қаторда, масъулиятли раҳбар ҳам. Агар унинг умрини китобга қисқайтиш бўлса, ҳар саҳифаси ўзига хос мазмунга, эзгу ишларга, яхшиликларга бой деоламиз.

**Баҳодир ҲАМИДЖОНОВ,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари

## Касба уюшма ҳаёти

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан белгиланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, барча ташкилот – корхона, муассасаларда, олий ва ўрта маҳсус ҳамда умумтаълим мактабларида меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни касба уюшмалари фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида «Уч авлод учрашуви», «Раҳбар ва ёшлар», «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари ўтказилмоқда.



Яқинда шундай тадбирлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов билан уюштирилди. Унда Термиз давлат университети ўқитувчилари ва талабалари иштирок эттиди.

Нотик мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли таълим олиши, касб-хунар ўрганиши ва келажакда юрт қорига ярайдиган кадрлар бўлиб вояга етишишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланиш масалаларини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берди. Учрашув давомида «Касба уюшмаси би-

лимдони» китобхонлик викторинаси ҳам ўтказилди. Унда мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар, касба уюшмалари фаолияти, меҳнат муносабатлари ва таълим соҳасидаги ислохотлар, меҳнат қонунчилиги ҳамда Президентимизнинг 2025 йил 17 октябрда касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувдаги маърузаси юзасидан талабалар билан савол-жавоблар уюштирилди.

Билимлар беллашувида фаол иштирок этган ёшлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**  
«ISHONCH»

## Тадбир

# ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмасининг Хоразм вилояти бирлашган кўмитаси «Urganch Vaxtal» МЧЖда ўқув ташкил этди. Унда меҳнат инспекторлари Музаффар Атабаев ва Эркинбой Байжанов сўзга чиқиб, меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, касба уюшмалари томонидан ишчи-хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш каби масалаларга алоҳида тўхталдилар. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари 2025 йил 17 октябрда касба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда белгилаб берган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, касба уюшмалари томонидан ишчи-хизматчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизларини

кучайтириш ва иш жойларида хавфсиз муҳитни таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўқув мобайнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Темур ҚАЛАНДАРОВ,**  
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган кўмитаси бўлим мудири

## Саховат

Юртимизда муборак Рамазон нафақат рўза ва ибодат, балки меҳр-оқибат, саховат ва инсонпарварлик оий сифатида ҳам кенг нишонланади. Айниқса, эҳтиёжманд ва бемор болаларга кўрсатилаётган эътибор бу ойнинг асл моҳиятини янада яққол намойн этади.

# РАМАЗОН МЕҲРИ

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар бўлимаси кенгаши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 17 февралдаги «Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги қарориди белгиланган эзгу ғоялар ижроси доирасида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази болалар бўлимида хайрия тадбири ташкил этди.

Шифохона деворлари орасида болалар гўё бироз эрга улғаядигандек... Уларнинг қўлларида ўйинчоқ эмас, муолажа varaқа-

лари... Кўзларида ширин орзулар эмас, соғайиш умиди жилва қилади. Ҳар бир кичик юрак яшашни, югуришни, кулишни, тенгдошлари билан қувноқ ўйнашни истайди. Аммо айрим болажонлар учун энг қатта орзу эсон-омон эртанги кунга етишдир. Ушбу тадбир айна шу орзуларни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Шу асно бемор болаларга кундалик эҳтиёжлари учун зарур буюмлар, тиббий анжомлар, совғалар топширилди.

**Абдухалил РАҲМОНОВ,**  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган кўмитаси бўлим мудири

# МУАММОЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижросига таҳлилий ва танқидий баҳо берилди.

Хўш, маъмурият ўз зиммасига олган мажбуриятлар ижросига қай таҳлит ёндашди? Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, улар учун муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратиш борасида зиммасидаги вазифаларни нечоғлиқ бажарди?

Йиғилишда шу каби саволларга жавоб изланди ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, институт ректори Шавкат Турсунқулов амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, жамоада меҳнат қилаётган аёллар, ногиронлиги бор шахсларга ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш соатлари тайинланган. Ходимларни соғломлаштириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Меҳнатга ҳақ тўлашда ижобий силжишлар бор. Масалан, ўтган даврда ишчи-хизматчи-

ларнинг меҳнат ва кўшимча таътиллари учун 1 миллиард 195 миллион сўм миқдориди маблағ сарфланган.

Қизгин муҳокамалардан сўнг 2026–2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди. Тарафлар ҳамкорликда истиқболдаги ишлар қўламини белгилаб олишди.

**Расул СУЙОНОВ,**  
Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилоятидаги масъул ташкилотчиси

## Муҳокама



# 4

## Маданиятлилик даражаси ўқилган китоблар сони билан эмас, балки англандан китоблар сони билан ўлчанади.

Фозил Искандар

### Мулоҳаза



## ИСМ ҲАМ ҲУСН

Нега миллатдошларимиз орасида ажнабий исмлилар кўпайиб кетаяпти? Чунки орамизда бурнининг остидан нарини кўра олмайди, миллий урф-одатларимиз ва қадимий қадриятларимизга «замондан орқада қолиш» дея аҳмоқона назар билан қарайдиганлар ҳам топилади.

Назаримда, талаффуз қилишга тил айланмайдиган, маъносини ҳақто эгаси ҳам тушунмайдиган алламбало исмлар ёмғирдан кейинги кўзқориндек кўпайиб борапти. Бунга эса, ҳозирги авлод вакилларининг хорижий давлатларга, уларнинг маданияти ва турмуш тарзига билиб-билмай, тушунми-тушунмай тақдир қилаётгани сабаб бўляпти.

Бир вақтлар яқин дўстимиз тўрт ўғилдан кейин қиз фарзанд кўрди. Қувончи ичига сизмаган дўстимиз қизалоғига чиройли исм қўйиш мақсадида қаердан «Исмләр китоби»ни ҳам топиб келибди. Аммо бутун бошли китобдан унга ёқадиган исм топилмади.

Азиза ёки Ёзоза қўйинг, дедим маслаҳат берган бўлиб. Ҳамиша ҳаммининг олдида азиз, ёзозоли бўлиб юрсин! Таклифим дўстимга ёқмади, шекилли, «Бунақа исмли қизлар кўп, мен қизалоғимга келажакда фахрланиб юрадиган ноёб исм қўймоқчиман», деди. Ўзича шундай исми топди ҳам – Сюзанна! Ҳаммамиз «қойил қолдик».

Яна бир дўстимиз ашаддий футбол ишқибози. Дундаги жуда кўп футболчиларнинг исм-шарифи, қайси клубда тўп тегиши, ҳулас, ҳамма-ҳаммасини сув қилиб ичиб юрган. Футболга «касал» шу оғайни миз кетма-кет туғилган ўғил невараларига Рональдо, Ривалдо, деб исм қўйибди. Бир

Тургун НОРҚУЛОВ

### Эълон

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МЧЖ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ОЧИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.

Номзодларга қўйилган талаблар:
- «Қурилиш» ёки «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича олий маълумотга эга;
- Қурилиш инжиниринг компаниясида 5 йилдан зиёд иш тажрибасига эга;
- ҳалқаро молия институтлари билан ишлаган;
- менежмент ва уй-жой маркетингида батафсил маълумотларга тажрибага эга;
- стратегик фикрлаш, етакчилик фаилатлари ва тажрибаси мавжуд.
Номзодлар томонидан маълумотлар (резюме) мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун муддат давомида Компаниянинг офисида тақдим этилиши сўралади.
Манзил: Ташкент вилояти, Зангиота тумани, М-39 Автомагистрал, 45-уй.
Маълумот учун тел: 91-137-85-20.

### Жараён

ҳам ташкил этган. Ўндан ортиқ болари қутисидан ҳар йили 50-80 килограммгача асал олиб, қўшимча даромад орттиришга одатланган.


– Ёшим улғайган бўлса-да, ишлардан тўхтаганим йўқ, – дейди отахон. – Чунки томорқаси бор ва ерни қадрайди киши доимо эзгу ният ила ҳаракатда бўлади. Мана, ўзимдан қиёс: ҳам асаларчилик, ҳам богдорчилик билан шугулланаман. Бониси, улар бир-бири учун фойдали. Мен биогумус тайёрлаб, ерга соламан, шунга яраша ҳосил ҳам баракали бўлади.

Қорақалпоғистонда навқирон йигит-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, Кегейли туманида узумчилик ва иссиқхоначиликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар доирасида ёшларга ер ажратили, уларни замонавий агротехнологияларни бошқаришга ўқитиш ва бозор билан боғлаш тизими йўлга қўйилган. 25 сотих майдонда воиш усулида яратилган Жузимбоғ ёшлар боғидаги тоқлар орасида ҳар хил полиз экинлари парваришланмоқда. 20 нафар ёшга шартнома асосида бўлиб берилган бу ер майдони тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва даромад манбаини кенгайтиришда қўл келмоқда.

Қонлиқўл туманининг «Бесқўпир» ҳудудида сабзавотчилик билан бирга, паррандачилик, кўнчилик ва қўлунайчилик ҳам жадал ривожланипти. Асаларчилик билан машғул Гулистан Аралбаева эса оиласи фаровонлигига ҳисса қўйиш бораберида хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Сирасини айтганда, Сайхунобод тажрибаси томорқани оддий ер майдонидан стратегик иқтисодий ресурсга айлантириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотларни кўпайтириш ҳамда оилаларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Қорақалпоғистонда ушбу тажрибани қўллаш ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантиришга ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга замин яратмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»



## ТОМОРҚА – БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, томорқадан унумли фойдаланишда унинг катта-кичиклиги эмас, балки ишни тўғри режалаштириш, экинларни алмашлаб экишга ва илгор агротехнологияларга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Буни Беруний туманининг «Бирлик» маҳалласида яшовчи Юлдаш ота Наримбетов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. У бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 30 сотих томорқасида турли экинларни парваришлаб, йил давомида бир неча марта ҳосил оляпти. Жумладан, 10 сотих иссиқхонада сабзавот ва полиз ўсимликларни кўчатларини етиштирипти. Уларга нафақат туман, балки Қозоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Бухоро ва Хоразм вилоятлари бозорларида ҳам харидорлар топиляпти. Натижанда оиланинг йиллик соф даромади сезиларли даражада ошяпти.

– Сайхунобод тажрибаси бизга катта туртки берди, – дейди Юлдаш ота. – Илгари ердан фақат бир мавсум фойдаланардик. Ҳозир эса йилига уч марта ҳосил оляпмиз. Баҳор бошланар-бошланмас бозорга редиска чиқарамиз. Апрель охиригача қўчатларни сотиб бўлиб, ўрнига ёғи экинлар экамиз. Албатта, меҳнатимизга яраша роҳатини ҳам кўраимиз. Энг муҳими, томорқа ишларига тўғри ёндашув барқарор даромад манбаи эканлигига ишончимиз тобора ортяпти.

Мўйноқ туманининг «Шағирли» овулида яшовчи Тўтигул Уразбаева ҳам шунга ўхшаш фикр билдирди. Зеро, у етиштираётган помидор, бодринг ва бўлғор қалампир каби



## ТЕГИРМОН ТОШИНИ ҚАЙРОҚҚА АЙЛАНТИРГАНЛАР...

Газеталарнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳам замонавий ахборот маконида ўз ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда. Вилоят телерадиоқанали билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, газетада чоп этилган мақолалар асосида «Газеталар шарҳи» ва «Юзми-юзи» каби теледастурулар ташкил этилди. Бу кўрсатувлар орқали мутасаддиларнинг аҳоли олдидидаги ҳисобдорлиги ошмоқда. Газетада эълон қилинган танқидий мақола юзасидан тегишли мутасаддилар кўрсатувга тақлиф этилиб, унда келтирилган камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан ечим топилишига, айнан шу жойининг ўзида жавоб олиншига эришилмоқда. Масалан, Бобўт тумани «Соҳил» маҳалласидаги Чархпалак кўчаси аҳолиси қувурлар яроқсизлиги тўғрисида ичтимлик сув тармоғидан узиб қўйилганди. Кўрсатувга мутасаддилар тақлиф этилган, муаммога ечим топилиди. Ёки айтайлик, Мирзаобод тумани «Тоза ҳудуд» ДУҚда мутахассис бўлиб ишлайдиган М.Қ.нинг ноҳақ ишдан бўшатилгани масаласи ҳам кўрсатувлардан бирида ижобий ҳал этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Газеталарни тарғиб қилиш мақсадида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг виллоят бўлими билан ҳамкорликда за-

монавий баннерлар, шунингдек, виллоят мусиқали драма театри актёрлари иштирокатида газета ўқишни оммалаштиришга қаратилган видеороликлар тайёрланди. – Одамлар газета ўқимади, дейишади. Бекор гап! – дейди газета бош муҳаррири Баҳром Боймуродов. – Биз газетани етказиб бера олмапмиз. Агар ҳар бир хонадонга газета борса, одамлар ўқийди. Биз «Матбуот хизмати» МЧЖ билан келишган ҳолда, газетани обуначиларга етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Бунда нафақат ташкилот ва корхоналар, балки маҳаллабай, хонадонбай тизимларини ҳам йўлга қўйганмиз. Чунки шундай ташкилотлар борки, улар ҳозир нафақадаги фахрийларга ва узоқ йиллар ишлаган ходимларга «Янги Сирдарё» газетасининг бир йиллик обуна қитанясини тақдим этишган. Бу йилги обуна бизни қувонтирди. Ўз навбатида, зиммамизга катта масъулият ва мажбурият ҳам юклади. Шу боис

икки ҳисса кўпроқ ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Чиндан ҳам, ҳар ким обуна бўлган нашини ўз вақтида олиши керак. Бундан ташқари, газета ўқишли бўлиб, у сарфлаган маблағига рози бўлиши ҳам зарур. Буни газета жамоаси яқини билади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева, Мамадали Аҳмедов, Ҳасан Абдувоҳидов сингари тажрибали, қалами ўтқир ижодкорлар долзарб мавзуларга қўл уришмоқда. Тахририятта бир қанча ёш журналистлар ҳам ишга қабул қилиниб, тажрибали устозларга бириктирилгани, устоз-шогирд аъёнлари қайта тиклангани айтишга арзишли ҳол. Ёшлардан Анвар Сайитқулов, Нурмухаммад Нуриддинов, Севинч Ганиева, Маржона Хайитбоева, Дияра Исмоилова, Маржона Мирзабоева ва бошқаларнинг устоз журналистлар ўғитлари асосида қаламлари чарчлиниб борапти.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»

### Мушоҳада

Тахририят – муборак даргоҳ. 1963 йилда «Сирдарё ҳақиқати» номи билан чиқа бошлаган газета 1970 йилларда 60 минг нусхада босилган. Газетада Акмал Пўлат, Султон Акбарий, Мели Маҳмудов, Шароф Убайдуллаев, Ҳалима Худойбердиева каби кўплаб машҳур ва таниқли ижодкорлар ишлаган. Очерк ва фельетонлар, қақмоқдек кескир танқидий материаллар эл озгига тушган. Газета республика учун энг кўп раҳбар кадрлар етказиб берган оммавий ахборот воситаларидан бири саналади. Академик шоир Фаҳрул Ғулум бу ерга тезтез келиб тураркан. У ижодий жамоа ҳақида «Бу даргоҳда тегиримон тошини ютиб, қайроқ қилиб чиқарадиганлар ишларшаркан», деган экан.

Айни кунлар – ўша шоншухратни қайтардиган фурсат. Бунинг учун эса жамоага ҳамжихатлик, ҳамфикрлик, ички ижодий рақобат керак.

### Бор гап!

## 292 ЙИЛ...

Уруида ўлмайдилар, ҳалок бўлишади. Уруида этика ва эстетикага амал қилинмади. Уруида қайсидир тарафголиб келади, лекин ҳар икки томон халқи ҳам жабр чекади. Инсоният ҳар хил қўламдаги урушларсиз яшаши мумкинми? Афсуски, йўқ! Негаки, «Инсоният тарихи урушлардан иборат».

Бир қарашда, бу фикрда муволаеа бордек. Аммо инсониятнинг умри урушлар билан ўтган ва ўтмаяпти ҳам.

Россиялик файласуф В. Барулиннинг ёзишича, инсоният эраимиздан аввалги 3500 йилдан то асримизнинг бошларигача бор-йўеи 292 йил тинч-тотув яшаган экан. Аҳамият беринг, бу қанчалар оз муддат!

Қолган вақтда эса, бу қўзна замин салкам 15 минга яқин катта-ю кичик урушлар зарбидан зир-зир титраган. Ҳа, одамзод қониди бир «вирус» бор, унинг номи – босқинчилик. Касаллик бошқа бир касалликни чақирганидек, бугун бу вирус геосеасий ва иқтисодий манфаатлар билан ҳам «озикланмоқда» ва касаллик бирда очки, бирда яширин хуруж қилмоқда. Бунга дунё миқёсида мисоллар кўп, айниқса, айни кунларда...

Ёзма манбаларда қайд этилишича, агар одамзод тарихини 100 фоиз деб олабдиган бўлсак, шундан 8 фоизигина қирғинбарот урушларсиз кечган. Шундай экан, уруш бўлмаслиги учун «Номинг ўқсин, уруш!» дейишнинг ўзи камлик қилади.

Биз шунинг англасак ва унутмасак, бас!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»

Сунъий интеллект, техника-технология, интернет журналистикаси ривожланган замонда яшайпмиз. Асосий ахборотлар ижтимоий тармоқлардан олинапти. Шундай бўлса-да, босма нашрлар медиа майдонда ўз ўрнига эга. Газеталарнинг оммавийлиги ва нуфузини ошириш кўп жиҳатдан журналистларга ва албатта, муассисларга ҳам боғлиқ.

«Янги Сирдарё» ва «Новая Сирдарё» газеталари муносабат ўзгаргани, эътибор кучайгани сабаб том маънода янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Шу ўринда газеталар муассиси бўлмиш виллоят ҳокимлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Унинг қўллаб-қувватлаши натижасида «Янги Сирдарё» газетаси ҳудудий нашрлар орасида 2026 йилда энг юқори обуна кўрсаткичига эга бўлди. Унга қадар нашр қийин аҳволда тушиб қолган, ижодий жамоа маош ололмаётган бўлса-да, газетани электрон тарзда ўқувчиларга ҳавола этиб келаятган эди.

Бугун жамоа газетани мазмунан бой, услубан замонавий ва сифат жиҳатдан юксак даражага қўтаришга ҳаракат қиляпти. «Янги Сирдарё» газетаси шу йил бошдан А2, «Новая Сирдарё» газетаси эса А3 кўринишида рангли чоп этиляпти. Ҳар сондаги танқидий ва таҳлилий мақолаларга сунъий интеллект ёрдамида карикатуралар берилаятгани ҳам одамларда қизиқиш уйғотмоқда.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон! Орифхон Ҳотамов ижросида «ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН» қўшиғи

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин, Кўнгулма ҳар бирининг дарди балосинму дейин! Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин, Бу кўдурат ичра руҳориси сафосинму дейин! Навоий тазали

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURDOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73, Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-94) 688-00-27, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-91) 193-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 285 ta Shundan: 6 610 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadordlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 477 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 198 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-311 1 2 3 4 5 6